

Тошкент Тиббиёт Академияси

- **“Коррупциясиз соҳа”** лойиҳасини амалга ошириш юзасидан ТТАда режалаштирилган ишлар тўғрисида
- **Маърузачи:** **жамоатчилик кенгаши раиси**
Усманов Р.Ж.

- Инсонни кийин ахволга туширадиган, рухан эзадиган ҳолатлар ичида энг оғири бу-адолатсизлик ҳисобланади, дейиш мумкин. Унинг бир илдизи коррупция билан боғлиқ бўлиб, бу шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этишида ифодаланади.
- Президентимиз Шавкат Мирзиёев халқимиз азалдан юксак қадрлаб келадиган, ҳамма нарсадан устун қуядиган адолат туйғусини ҳаётимизда янада кенг қарор топтириш биринчи даражали вазифа эканига алоҳида эътибор қаратмоқда.

- Жамиятимизда коррупция жиноятларни содир этиш ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йул қуймаслик, жиноятга жазо албатта муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш буйича қатъий чоралар кўриш зарурлиги тақидланмоқда.
- Шундан келиб чиққан ҳолда 2017 йил 3 январда Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

- Мазкур норматив ҳужжатлар билан коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар ташкил этилди.
- Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг ишчи органи функциясини Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бажариши белгиланди.

-

- Мазкур йуналишдаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг 27 май куни “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги Фармон қабул қилинди.
- Мазкур Фармон билан коррупцияга қарши курашиш борасидаги тизимини янада такомиллаштириш борасидаги вазифалар аниқ белгилаб берилди.
- Фармонга асосан, 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури, коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг янгиланган таркиби тасдиқланди (эндиликда Олий Мажлис Сенати раиси комиссияга раислик қилиши белгиланди)

- Комиссия ишчи органи вазифасини Бош прокуратура бажаради. Давлатимиз раҳбари томонидан коррупцияга қарши курашиш буйича давлат органларига аник вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, ҳар бир идорада коррупцияга қарши курашишнинг самарали дастурларини амалга ошириш, уларнинг ҳисобдорлиги ва фаолияти очиклиги механизмларини жорий этиш, одоб-аҳлоқ қоидаларига риоя этиш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, тегишли соҳада коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга имкон яратаётган сабаб ва шарт-шароитларни тактомири билан йўқотиш вазифалари қуйилди.

- Бундан ташқари, Фармонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари мустаҳкамлаб қўйилди.
- Шу билан бирга, махсус комиссия 2019 йил 1 сентябрга қадар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш буйича таклифлар тайёрлаш ва коррупцияга қарши курашиш Ўзбекистон республикаси Олий Мажлиси палаталари ва сиёсий партияларининг ролини янада кучайтиришга йуналтирилган комплекс чора-тадбирлар буйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқиш топширилган.

- Шу боис, келгусидаги фаолиятимизда конун талаоларига огишмай риоя килиш, конун устуворлигини таъминлаш, фукароларнинг хукук хамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг конун билан куриладиган манфаатларини химоя килиш чораларини куриш, хизмат вазифаларимизни виждонан, масъулият ва ташаббускорлик билан бажаришимиз шарт хисобланади. Яна шуни таъкидлаш жоизки, адолат карор топган жамиятда яшашимиз учун нафакат маъсул шахслар, балки хар бир фукаро хам уз хиссасини кушиши зарур.

- Бу фуқароларимизда коррупцияга, аниқроқ айтганда, ҳар қандай қонун бузарликка нисбатан муросасизлик кайфияти, маданияти шаклланишига ҳам боғлиқ. Чунки ҳар қандай қонун бузарликлар содир этилишига, кўпайишига кўп ҳолларда ўзимизнинг бефарқлигимиз, лоқайдлигимиз сабаб бўлиб келмоқда. Барчанинг яқдиллиги, юрт тақдирига дахлдорлиги кучайиши ҳар қандай иллатнинг батамом бархам топилишига хизмат қилади.

**Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги жамоатчилик
кенгашининг 2019 – 2020 ўқув йили учун
ИШ РЕЖАСИ**

1. Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги жамоатчилик кенгашининг 2019 – 2020 ўқув йили учун иш режасини тасдиқлаш.
2. Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши аъзоларининг Тошкент тиббиёт академиясида амалга оширилаётган ишлар буйича фикр мулоҳазалари ва таклифлари.
3. Турли масалалар. **2019 йил октябрь**

1. Тошкент тиббиёт академиясида фаолият юритаётган проректор, декан, декан муовинлари ва булим бошликлари билан уқув, уқув – услубий, илмий ва ташкилий масалалар буйича учрашув
2. Тошкент тиббиёт академиясида фаолият юритаётган кафедра мудирлари
3. 2019 йил октябр – ноябрь ойларида бажарилган ишларни тахлил қилиш ва 2019 йилнинг 1 – чораги учун режага таклифлар бериш.
4. Турли масалалар **2019 йил декабрь**

1. Тошкент тиббиёт академиясида фаолият юритаётган маънавият ва маърифат булимий ходимлари ва ёшлар билан ишлаш буйича декан муовинлари билан укув, укув – услубий, илмий ва ташкилий масалалар буйича учрашув
2. Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицей ходимлари билан учрашув
3. Олий ва урта махсус таълим вазирлиги жамоатчилик кенгаши вакиллари билан учрашув
4. Турли масалалар

2020 йил февраль

1. Тошкент тиббиёт академиясида фаолият юритаётган маънавият ва маърифат булимий ходимлари ва ёшлар билан ишлаш буйича декан муовинлари билан укув, укув – услубий, илмий ва ташкилий масалалар буйича учрашув
2. Тошкент тиббиёт академиясига ишга янги қабул қилинган ходимларнинг иш фаолиятини урганиш (очик маъруза, амалий машгулот ва б. қуринишида).
3. Турли масалалар

2020 йил апрель

1. Тошкент тиббиёт академияси хузуридаги жамоатчилик кенгашининг 2018 йил 4 – чораги яқунларига бағишланган йигилишини утказиш.

2. Тошкент тиббиёт академиясида фаолият юритаётган профессор – уқитувчиларни ижтимоий химоялаш буйича муаммоларини урганиш ва керакли таклифлар бериш

3. Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицей битирувчилари билан учрашув

4. Турли масалалар

2020 йил июнь